

# Qishloq hayoti

2012 йил Мустақам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 20-ДЕКАБР, ПАЙШАНБА, 151 (8076)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoшлаган  
Баҳоси кeлeшлiгeн нархда.

## Куннинг муҳим воқеалари

► Андижон шаҳрида замонавий "Osiyo grand" савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мажмуанинг биринчи ва иккинчи қаватида мижозлар овқатланиб, хордик чиқариши, савдо дўконлари хизматидан фойдаланиши мумкин. Учинчи қаватда эса маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, шунингдек, Андижон тарихини акс эттирувчи буюмлар, зардўзлик, заргарлик ашёлари кўргазмалари ўрин олган. Уларда Андижоннинг ўтмиши ва бугуни, шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳам акс этган.

► Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг "Газ таъминоти тўғрисида"ги қонуни лойиҳасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда "Газ таъминоти тўғрисида"ги қонуни ишлаб чиқишдан асосий мақсад газ етказиб берувчилар ва истеъмолчиларда халқимиз бойлиги бўлган табиий газдан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда тўлов интизомини кучайтиришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

► Бухоро шаҳрида "Мустақам оила йили" Давлат дастури доирасида 32 оиллага мўлжалланган кўп қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди. Маъкур уйдан квартира сотиб олиш истагида бўлган оилаларга ҳам банк кредитлари қўл келди. Жумладан, 14 ёш оиллага жами 468 миллион сўм миқдорда имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Сурхондарё Вилояти



## ХУНАРДАН БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

Юртимиз азалдан ўзининг миллий хунармандчилиги билан шуҳрат топиб келган. Уста хунармандлар тайёрлаган буюмларда халқимизнинг қадриятлари акс этган. Истиклол туфайли миллий хунармандчилигимизга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун хунаридан барака топаётган, оиласини обод этаётган, кўни-кўшни, маҳаллага, пировардида, юрта нафи тегаётган тадбиркорларнинг ортиб бораётгани ана шу эътибор натижасидир.

Шерободлик Эргаш Бобокулов ва Турдимурод Абдуҳакимов ўз ишидан барака топиб келаётган уста-хунармандлардан. Улар тунуқадан бир неча турдаги уй-рўзғор анжомлари ясайди. Буюртма асосида тайёрланаётган маҳсулотлар рўзғорбоп ва пухта ишлангани боис харидоргир.

Ўтган 2011 йилда 20 миллион сўм даромад олган ака-ука хунармандлар «устоз-шоғирд» аънъанаси асосида ёшларга ушбу хунар сир-асрорларини ўргатаётир. Тайёрланган кўплаб шоғирдлар мустақил фаолият юритмоқда.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

## САҲИФАЛАРДА:



СТЕВИЯ — ТАБИЙ ШАКАР ВА КАТТА ДАРОМАД МАНБАИ

2

### «ARTEL» ДАН МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАР



3



СОТИЛМАЙДИ ҲАМ, ОТИЛМАЙДИ ҲАМ

5

Қашқарарё Вилоят

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фермерларнинг қишлоқни обод этадиган катта кучга айланишига хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди. Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар Фермерлар кенгаши ташкил этилди. Улар зиммасига фермер хўжалиқларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, кўптармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, соҳага самарали технологияларни татбиқ этиш, фермер хўжалиқлари кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш каби қатор вазифалар юклатилди. Бу мулкдорларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ер-суб ресурслари ва имкониятлардан янада оқилона фойдаланишлари учун шарт-шароит яратди.

■ **Бахтиёр САФАРОВ,** Қашқарарё вилояти Фермерлар кенгаши раиси, Миришкор туманидаги «Сафар ота» фермер хўжалиги раҳбари.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш жараёнида фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши қишлоқдаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берди. Айни пайтда фермер хўжалиқлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишда, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда маъсулятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу жараёни янада жадаллаштириш, фермерларнинг қишлоқни обод этадиган катта кучга айланишига хизмат қиладиган

ган муҳим ҳужжат бўлди.

Янги ташкил этилган Фермерлар кенгаши зиммасига фермер хўжалиқларининг моддий ва маънавий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг мулквий муносабатларини ишончли ҳимоялаш, кўптармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш, соҳага самарали, замонавий технологияларни жалб этиш ва бошқа кўпгина вазифаларнинг қўйилгани, сирасини айтганда, кенгаш фермернинг ҳақиқий кўмақдоши, маслаҳаттўйга айланаётгани фермерларимизни ҳам нихоятда қувонтирмоқда.

Мана шу долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тайёрладик. Шу мақсадда етти мингдан зиёд фермер хўжалиқининг фаолиятини ўргандик. Таҳлиллар эса шуни кўрсатмоқдаки, аксарият фермер хўжалиқларида асосий экинлар – пахта ва галладан ташқари, бошқа тармоқларни ривожлантириш имконияти катта. Энг муҳими, фермерларимизнинг бу борадаги истаги, уларнинг изланиш ва интилиши юқори. Кўптармоқчилик

ни, хусусан, балиқчилик, асаларичилик, бөгдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик тармоқларини ташкил этиш билан бирга сервис хизмати кўрсатиш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Қайта ишланган йўлга қўйиш хўжалик иқтисодиётини янада юксалтириш имконини беришини Ғузур туманидаги «Истиклол», Қарши туманидаги «Бахт» сингари фермер хўжалиқлари фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Таҳлиллар яна шуни кўрсатмоқдаки, вилоятнинг тоғли худудлари ҳисобланадиган Китоб, Шахрисабз, Яқкабоғ, Қамаш, Дехқонobod туманларида фаолият юритаётган фермер хўжалиқлари қайта ишланган йўлга қўйиш, сервис хизматини такомиллаштириши мақсадга мувофиқ экан. Шунингдек, бошқа худудларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд.

Фермерлар кенгаши аъзолари фермерларнинг тупроқ ўнумдорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ўғитдан фойдаланиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. Айни шу жараёнда кўптармоқчиликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Яъни хўжалик қошида чорвачиликни ташкил этиш ва ривожлантириш маҳаллий ўғит жамғариш, ерни тўйинтиришда қўл келади. Шунинг баробарида даромаднинг янада ошириши, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Шу ўринда фермерларнинг олдида турган яна бир муҳим вазифани таъкидлаб ўтишни истардик. Қишлоқда турмуш даражасини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, аҳолини иш билан таъминлашда ҳам фермерлар етакчи бўлиши шарт. Айниқса, ёшларни, касбуна қолган битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўқув юртида олган билим ва кўникмаларини ама-

лиётга кенг жорий этишга шароит яратиш биз фермерларнинг доимий вазифамиз бўлиши керак.

Халқимизнинг «Меҳнат инсонни улуглайди», деган мулкдор бор. Бу бора бугун қишлоқ мулкдорлари фаолиятида янада ёрқинроқ намоён бўлаётди. Оддийгина ўзимдан қиёс. 1999 йилда деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган «Сафар ота» фермер хўжалигини ташкил этдик. Ушунда хўжалигимизга қарашли 27 гектар ерда уч киши бўлиб иш бошлаган эдик. Хўжалигимизда 15 бош қорамол бор эди, холос. Ҳозирги кунга келиб, фермер хўжалигимиз ер майдони 128 гектарга етди. Тасарруфимизда 126 бош қорамол ва 100 бош майда шохли мол, 200 та парранда парвариланмоқда. Тўққиз турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб турибди.

Фермер хўжалигимиз аъзолари 2012 йилни аjoyиб меҳнат ютуқлари билан якунлашмоқда. Пахтадан 40 центнердан, галладан 60 центнердан ҳосил олдик. Даромадини юксалди. Ундан эса, энг аввало, ўзимиз, қолаверса, қишлоқимиз аҳли манфаатдор. Шу ўринда, фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёзишининг асосий омилли ҳам ана шундайлигини айтиб ўтмоқчимиз. Зеро, инсон манфаатлари ҳимояланган, меҳнати қадр толган жойда, албатта, тараққиёт ва фаровонлик бўлади.

Мамлакатимизда Фермерлар кенгаши ташкил этилишининг замирида ҳам ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Бундан руҳланган фермерларнинг элу юртга камарбасталиғи кучаймоқда, шижоат билан янги йилда мўл ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин қўймоқдалар. Улар билан сўхбатлашсангиз, барчасининг мақсади бир – юртни обод ва фаровон этишга муносиб улуш қўйиш эканлигига амин бўласиз.

Анжирон Вилоят

ИЗЛАНИШ

## Стевия — табиий шакар ва катта даромад манбаи

Ҳар йили декабрь ойида Анжирон вилоятининг барча туман ва шаҳарларида «Асал ярмаркалари» ойлиги ташкил этилади. Вилоят асаларичилик кенгаши, «Асал» уюшмаси ҳамда Даавлат ўрмон хўжалиги вилоят бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур ойлик аҳолини сифатли ва арзон маҳсулот билан таъминлаш, асал етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш, соҳа имкониятларини намоиш этиш ҳамда асаларичилар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айни пайтда вилоятда 1128 асаларичилик фермер хўжалиги ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган йили 447 тонна асал етиштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 600 тоннани ташкил этди.

Анжирон шаҳридаги ярмаркаларда 50 дан зиёд асал етиштирувчилар аҳолига 20 хилга яқин сифатли нъматларни тақдим этмоқда. «Янги бозор» деҳқон бозорида асал савдо кўргазмаси қизигандек қизиб бормоқда. Тадбиркорлик фаолияти учун яратиб берилган имкониятлар ва шароитлар боис асал тайёрлаш ҳамми ортиб бораётганлиги пештахталардаги маҳсулотларда ҳам намоён бўлиб турибди.

Савдо кўргазмаси иши билан танишар эканмиз, изобсанлик асаларичи Расулжон Қутибоевга тегшли пештахтадаги асал маҳсулотлари қаторида ихчам идишларга қадокланган гилос қиёми ва шарбати, бир неча донна табиий дориларга бағишланган китобчалар эътиборимизни тортди. Расулжон Қутибоев олиб келган асалнинг хушбўй хиди диомингизни чоғ қилди. Бизни қизиқтиргани шу эдики, гилос қиёми ва шарбати асал савдо ярмаркасига

нега қўйилган?

– Биласиз, куздан баҳоргача асалари шакар билан озикланади, – дейди Расулжон Қутибоев фикримизни уққандек. – Бу борада ўзимизга яраша муаммоларимиз бор. Уни қандай ечиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб юрар эканман, стевия ўсимлиги ҳақида ўқиб қолдим. Бу ўсимлик ўз баргида табиий шакар тўплайди. Унинг баргида тўпланадиган шакар минг бир дардга даво экан. Қисқаси, ушбу ўсимлигини хонадон шароитида парвариш қилмоқчи бўлдик. Изландик, интилдик. Натижада бугун стевия ўсимлигининг баргини териб оламиз. Асаларилар озукасида эса стевиянинг улуши 30 фоизга етди. Мана бу қўриб турганингиз гилос қиёми ва шарбати ҳам юз фоиз стевия ўсимлиги барги таркибидagi шакар билан тайёрланган.

Расулжон Қутибоевнинг бу интилишлари ўттиз йилча муқаддам қишлоқ хўжалиги фан-



лари номзоди Тоҳиржон Ахмедовнинг стевия ўсимлиги борасидаги изланишларини ёдига қўйишди. У ўсимлиқни маҳаллий шароитга мослаштириш ҳамда мевасини қайта ишлаш устида иш олиб бorgan ва натижаларга эришган эди.

– Стевия ўсимлигининг ватани Жанубий Америкадаги Парагвай, Бразилия ва Аргентина мамлакатлари бўлиб, у ерлардаги аҳоли қадимдан ундан табиий шакар сифатида фойдаланиб келишди, – дейди айни пайтда ўсимлиқшунослик илмий-тадқиқот институти Анжирон тажриба станцияси раҳбари бўлиб ишлаётган Тоҳиржон Ахмедов. –

Ўсимлик баргидаги табиий шакарнинг шифобахш хусусияти жуда кўп. Стевия ўсимлигини маҳаллийлаштириш борасида Япония, Хитой ҳамда бир қатор жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Натижада озиқ-овқат sanoатида ўсимлик барги асосий хомашага айланишга улгурди. Молдова, Грузия, Украина ва Россиянинг жанубий худудларида ушбу шифобахш ўсимлиқни маҳаллийлаштириш устида ишлар бормоқда. Олимларнинг фикрига кўра, стевия учун энг мақбул минтақа Марказий Осиё, янада аникроги Анжирон экан.

Стевия ўсимлигини маҳаллийлаштириш орқали республикамизда мева-сабзавот қайта ишлаш sanoатини янада ривожлантириш имкониятлари бор. Энг муҳими, ушбу ўсимлиқни хонадон шароитида парвариш қилиш мумкин. Аёлларимиз ҳар йили ёз ойларида меваларни қишга консервалдайлар. Ана шу даврда шакар билан бирга стевиядан фойдаланиш яхши самара беради. Ўсимлик барги қандолатчилик маҳсулотлари, турли ширинлик ва пиширилар учун ҳам хомашё, қолаверса, оила бюджетини тежовчи восита бўлади.

Буни Расулжон Қутибоев оиласи – турмуш ўртоғи Арофатхон ая, ўғиллари Оллоҳберди, Раҳимбердилар билан бирга фаолиятда кўрсатиб беришди. Улар стевия ўсимлиги баргидан шакар ўрнида фойдаланиш борасида дастлабки натижаларга эришишди. Буни билиш учун улар томонидан тайёрланган гилос қиёми ва шарбатидан бир тотиб кўрсангиз қияф.

Биз стевия ўсимлиги ҳақида билганларимизни сўзладик, холос. Холқуби, унинг биз билмаган сир сунатлари кўп. Истардикки, ушбу ўсимлик, унинг етиштирилиши, шифобахш хусусиятлари ҳақида олимлар, мутахассислар ўз фикрларини айтишса. Бу билан нафақат ўсимлик борасидаги билимимиз кенгаярди, балки ишбилармонларимиз учун ҳам фойдали бўлади.

Қобилжон АСКАРОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.

## «ARTEL» ДАН МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАР

17 ДЕКАБРЬ КУНИ DEDEMAN SILK ROAD МЕХМОНХОНАСИДА «ARTEL» САВДО БЕЛГИСИ ОСТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТЕЛЕФОНЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ БЕШТА МОДЕЛИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ. БУ БИЛАН «ARTEL» МОБИЛЬ ТЕХНИКА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ БИРИНЧИ МАХАЛЛИЙ КОМПАНИЯГА АЙЛАНДИ.

Тадбирда намоиш этилган Aid5, Komi3 (dual sim), U30 (dual sim), H20 ва D83 мобилъ аппаратларининг ҳаммаси Android 4.0 ва 2.3.6 операцион тизимда ишлайди. «Artel» уяли алоқа телефонлари жахон андозаларига мувофиқ, 4 дюймгача бўлган ўлчамдаги дисплей, MSM 8225, 1200 MGz ва MTK 6515MB, 1000 MGz процессорлар, 4 Gb гача бўлган хотира карталари билан жиҳозланган. Шунингдек, телефонларга диодли ёруклик чиқариш, автофокус, макро тасвирга олиш режими, 8 даража "zoom" ва 5 мега пиксельгача бўлган фотокамералар ҳам ўрнатилган.

Плеер MPEG4, H.264, H.263, VP6, VP8, Windows Media, Flash 10, 3GP, MP4, AVI каби оммабоп видео ва MP3, MIDI, AMR, WAV, AWM, WMA, AAC каби аудио форматларни кўтаради.

Интернетга WAP, GPRS, EDGE, e-mail POP/SMTP, HTML, e-mail IMAP4 технологиялари орқали улашиш мумкин. Телефонларда овозлар тўплами ва овоз билан бошқариш, USB, Wi-Fi ва Bluetooth мавжуд.

Энг муҳими, «Artel» телефонларига ўзбек ва рус тиллари, шарқ тароналаридан иборат рингтонлар, обойлар,



мавзулар ва Ўзбекистонга оид скринсейверлар ўрнатилган.

«Artel» уяли алоқа телефонлари ўзининг импорт аналогларидан 30 фоизга арзон бўлиб, компания бир йил давомида бутун республика бўйлаб бепул сервис хизматларини тақдим этади.

2012 йил охиригача компанияда 40 мингта телефон иш-

лаб чиқарилади, 2013 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 500 мингтага етказиш режалаштирилган. Кейинчалик эса уларнинг ҳажми йилига 2 миллион донани ташкил этади.

«Artel» шу билан чекланиб қолмай тез орада планшетлар, коммуникаторлар ва USB-модемларни ишлаб чиқаришни ҳам кўзламоқда.



## ЛОЙИХАДА «CHEVROLET LACETTI»НИНГ ЯНГИЛАНГАН ВАРИАНТИ


Ўзбекистонда 2013 йили Chevrolet Lacetti автомобилнинг янгиланган варианты сотувга чиқарилиши ҳақида [bibi.uz](http://bibi.uz) веб-сайти маълум қилди.

Лойиҳа ҳозирда синовдан ўтказилмоқда. Барчаси кўнгиладигдек ўтса, ўзгаришлар киритилган Chevrolet Lacetti автомобили Ўзбекистон бозорига 2013 йилнинг куз ойларида чиқиши кўтилмоқда.

Ташқи кўриниш бўйича ўзгаришлар автомобилнинг олд чироқлари, бампери, капот ва қанотлари ҳамда орқа қисмига киритилади.

Автомобилдаги энг катта ўзгариш Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва енг-5 стандартига мос келувчи 1,5 ҳажмли мотор экани айтилмоқда.

Chevrolet Lacetti автомобилнинг янги модели аввалгисидан фаркли ўларок, нафақат Ўзбекистон, балки МДХ давлатларига ҳам сотувга чиқарилиши кўзда тутилган.



## ЭЛЕКТРОН ТЕМИР ЙЎЛ ЧИПТАЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Баъзи электрон ОАВ «Ўзбекистон темир йўллари» темир йўл кассаларида МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга йўналишлар бўйича чипталар сотуви тўхтатилгани ҳақида хабар берганди. Маълум бўлишича, «Ўзтемирйўлийўловчи» ОАЖ Ўзбекистонда «электрон чипталар»ни жорий этиш бўйича дастлабки ишларни бошлади. Шу муносабат билан МДХ мамлакатларидан Ўзбекистонга йўналишлар бўйича чипталар сотилиши тўхтатилди.



«Ўзтемирйўлийўловчи» ОАЖ айни пайтда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамда Россиянинг «ВНИИЖТ» ОАЖ билан ҳамкорликда республикада «электрон чипталар»ни жорий этиш бўйича дастлабки ишларни бошлаган. Ушбу тизим компания веб-ресурслари орқали йўл чипталарини сотиб олиш имконини беради, бу эса «Экспресс» АБТнинг дастурий таъминотига ўзгаришлар киритишни талаб этади.

Ҳозир Ўзбекистонга хориждан қайтаётган фуқаролар оқими камайганини инобатга олган

ҳолда, тизимнинг дастурий таъминотига ўзгаришлар киритиш бўйича ишлар бошланган.

Бундан ташқари, 2013 йилдан «Экспресс» АБТда ишловчи давлатларнинг «глобал нархлар» бўйича ўзаро ҳисоб-китобларга ўтиши кўзда тутилган. Бу МДХ, Болтиқбўйи ва Грузия ҳудудларида амалда бўлган йўловчи ташувларини тарификациялаш тартибини унификация қилишни назарда тутди ва у ҳам амалдаги сотувлар тизимининг дастурий таъминотини вақтинчалик ўзгартиришни талаб этади.

## ХОРАЗМДА «ДАМАС» ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Хоразм вилоятида «Дамас» микроавтобуслари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштириляптир. Бу ҳақида вилоят ҳокими Пўлат Бобоҷонов «XXI Asr» газетасига берган интервьюсида таъкидлаб ўтган.

Маълумотларга кўра, «Ўзавтосаноат» компанияси ҳудудда 16 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирган бўлиб, 40 мингта «Дамас» микроавтобуслари, шунингдек, унинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар шулар жумласидандир. Бу вилоятда 780 янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Маълумки, «Дамас» микроавтобуслари 1996 йилдан буён Андижон вилояти Асака шаҳридаги автомобиль заводидида ишлаб чиқарилади. 2006 йилдан бошлаб эса мазкур заводда «Дамас» микроавтобусларининг янгиланган модели ишлаб чиқарила бошланган эди.



**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**да 2008–2012 йилларда 81600 гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, жумладан, кучли ва ўртача шўрланган ерлар 6900 гектарга ва сизот сувларининг сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 8100 гектарга камайдди ҳамда 66600 гектар майдонда ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаб туршига эришилди. Бу даврда 76 та лойиҳа бўйича 23 миллиард 412 миллион сўмлик мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

Бу борада Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ҳамда ушбу ишларни молиялаштиришнинг янги тизимини яратишда асосий омил бўлди.

– Ушбу дастур асосида вилоятимизда ҳудудий дастур қабул қилиниб, кенг қўламли мелиоратив ишлари амалга оширилди, – дейди Куйи Зарафшон гидрогеология мелиоратив экспедицияси бўлим бошлиғи Шерзод Ваҳобов. – Вилоятда 2008-2012 йилларда Давлат дастури доирасида 183,6 километр узунликдаги коллекторлар барпо этилди ва реконструкция қилинди, 4 километр ёпиқ-ёпиқ дренажлар, 4 та мелиоратив насос станциялари ва 21 та мелиоратив тик кудуқлар қурилди, 1 та мелиоратив насос станцияси ва 64 та мелиоратив тик кудуқлар реконструкция қилинди. Шунингдек, 2634 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари механизмлар билан тозаланди, 16 дона сув ўлчаш иншоотлари ва 342 та ер ости сувлари сатҳини кузатиш кудуқлари таъмирланди. Қисқаси, замонавий, қудратли техникалар билан минглаб километрларда

21 та тик мелиоратив кудуқлар қурилиши 1320 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди.

Навоийлик мелиораторлар жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида шу соҳага ажратилган 6 миллиард 690 миллион сўм маблағнинг 96 фоизини ўзлаштириди. 10 та лойиҳа бўйича мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари-

миллиард сўмлик, “Навоийсув-қурилиш” трестига қарашли 5-КМК томонидан 32,3 километрга 759 миллион сўмлик, 3-КМК томонидан 24,3 километрга 147,9 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, таъмирлаш-тиклаш иншоотлари бўйича 8 та сув ўлчаш иншооти, 153 та қувурли ўтиш жойи, 22 та назорат кудуқлари таъмирланиб, қайта ўрнатилди.



ги ариқ-зовурларнинг тозаланиши экин майдонлари ҳосилдорлигининг оширилишига хизмат қилаяпти.

Шу ўринда 2008-2009 йилларда Қизилтепа туманида 18 километр узунликдаги “Хўжаболта” коллектори қурилиб, Маликўл массивидаги 2660 гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши алоҳида таъкидлаш жоиз. 2011-2012 йилларда эса “Ўжда Хасан” коллектори 12 километр узунликда қурилиб, яна 580 гектар экин майдонида ҳосил салмоғи оширилди. Мазкур туманда “Манзарак” ва “Юлдуз”, шунингдек, Хатирчи туманида ҳам мелиоратив насос станциялари қурилди. Ўртақўл массивидаги “Юлдуз” мелиоратив насос станцияси реконструкция қилиниб, сув чиқариш имконияти 6 метр куб/секундга етказилди ва 2250 гектар ерда деҳқончилик қилиш имкони ошди. Хатирчи туманида

га ажратилган 3 миллиард 829 миллион сўм ҳисобидан 22,3 километрлик коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш, 2 та мелиоратив насос станцияларини барпо этиш ишлари ниҳоятга етказилмоқда.

Мелиоратив объектларни тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари 10 та лойиҳа бўйича ажратилган 2 миллиард 861 миллион сўм маблағ тўлиқ ўзлаштирилиб, 555 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди.

Шунингдек, хўжалиқларро зовурларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш бўйича 2012 йилда “Навоий-давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси томонидан 303,7 километр масофада 1,7 миллиард сўмлик, “Карман-давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси томонидан 214,6 километр масофада 1,3

Ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли Кармана туманида 18400 гектар, Қонимех туманида 4400 гектар, Қизилтепа туманида 30300 гектар, Навбахор туманида 11800 гектар ва Хатирчи туманида 16700 гектар суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда қишлоқ хўжалиғи экинлари ҳосилдорлиги ошди. Масалан, пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик 2-3 центнерга, галчиликда 3-5 центнерга кўлайди.

“Карман-давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси томонидан жорий йилда бажарилган ишлар ҳажми салкам 1,5 миллиард сўмликни ташкил этди. Жумладан, 263 километрга яқин зовурлар тозаланди, 1163,5 метр куб ҳажмида тупроқ ишлари амалга оширилди. Қизилтепа туманидаги Ўртақўл массивида “2-1-

Д” коллекторини реконструкция қилиш учун 338 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, шу ернинг ўзига 142 метр куб га яқин тупроқ ишлари бажарилди. “Зарбдор” коллекторида 55,04 километрлик зовур тармоқлари тозаланди. Карман-надаги “Малиқобод” ва “Хазора” зовурлар тармоғида, Хатирчидаги “Чап ирмоқ” зовурлар тармоғида режалаштирилган ишлар тўла ниҳоятга етказилди. Қонимех туманида мелиоратив насос қуриб битказилди.

Шунингдек, “Навоий-давсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси жамоаси ҳам тупроқ унумдорлигини ошириш, фермер хўжалиқлари ва сувдан фойдаланувчилар уюмлари билан ҳамкорликни яхшилаш борасида эътиборли ишларни амалга оширмоқда. Корхонада 2012 йил барча соҳалардаги режаларни ортиғи билан уддаланган ҳолда яқунланаяпти.

– Биз учун мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосий таъмирлаш-тиклаш, – дейди корхона раҳбари Исхондор Раупов. – Жорий йилда 303,7 километр масофада 1,7 миллиард сўмлик иш бажарилди. Бугун эса келгуси йил режаларини ҳам белгилаб олдик.

Яқинда “Карман-Конимех” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида 2012 йил якунлари ва 2013 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган йилги ҳисоботни қўриб чиқариш ҳақида ирригация ташкилотларининг вилоят ирригация ва мелиорация соҳасида кенг қамровдаги ишларни амалга ошираётганини ижобий баҳоладик. Йилги ишлар сўғинида эса ишлаб чиқариш пешқадамлари – моҳир механикларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдумов иштирок этди.

**Абдурашул САТТОРОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## СУВ – ҚАЁТ, УПУМДОР ЕРЛАР – ДАРОМАД МАНБАИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**да 2012-2013 йил мавсумида ирригация-мелиорация тадбирларини сифатли амалга ошириш мақсадида бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда “Ўзсувназорат” республика инспекцияси, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари бошлиқлари, олимлар ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар агар тармоқни жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, қишлоқ аҳолисининг бандлик масаласини ҳал этиш ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда сервис хизмати кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, сув тақчиллигининг олдини олиш, томчилатиб суғориш усулини жорий этиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Жойларда фаолият юритаётган сувдан фойдаланувчилар уюмлари сув ресурсларини тежаб, улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Қишлоқ хўжалиғида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар ҳосилдорлигини ошириш, фермерларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш имконини бераётган.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятда беш мингга яқин фермер хўжалиғи мавжуд бўлиб, улардан 2 минг 490 таси пахтачилик ва галчилик, бир минг 576 таси бодворчилик ва узумчилик, 701 таси чорвачилик, 184 таси қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда 326 минг гектар экин май-

дониди турли қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштирилади. Мавжуд ерларнинг 31 фоизини, насос ёрдамида суғориладиган экин майдонларининг 37 фоизини «Аму-занг» машина канали сув билан таъминлайди. Ўтган йилларда Осиё тараққиёт банкнинг инвестиция маблағи эвазига секундига 128 кубметр сув ўтказиш қувватига эга мазкур иншоотда йирик ҳажмдаги тозалаш, тиклаш ишлари амалга оширилди. Замонавий сув тиндиргич барпо этилди. Хорижий тежамкор насослари ўрнатилди. Мазкур йирик машина канал тизимининг реконструкция қилиниши натижасида Ангор, Музбарот, Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Термиз туманларидаги насос ёрдамида суғориладиган экин майдонларини сув билан таъминлаш муаммоси ҳал этилди. Шунингдек, Боботог канали орқали Жанубий Сурхон сув омборига охираётган ётқизиш қуввати қайта тикланди. Шунингдек, Бандихон, Қизирки, Шеробод туманларидаги экин майдонларини белгиланган лимит асосида сув билан таъминлаш учун қўшимча манба яратилди.

Сув ресурсларини тежашда томчилатиб суғориш технологияси ҳам яхши самара бермоқда. Айни пайтда вилоятда 128 гектардан ортиқ майдонда томчилатиб суғориш усулидан унумли фойдаланилмоқда.

Вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган. Мазкур фармонга мувофиқ 2008-2011 йилларда вилоятда 399,5 километр коллектор тармоқлари ҳамда иншоотларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. 60,9 километр ёпиқ-ёпиқ дренаж тармоқлари барпо этилди. 250 қувват кудуқлари қайта тикланди. Битта янги мелиоратив насос станцияси қурилиб, иккитасида реконструкция ишлари амалга оширилди. Тўртта мелиоратив тик кудуқ реконструкция қилинди. Қисқа вақт ичида амалга оширилган бундай ишлар 62,2 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш имконини берди. Жорий йилда амалга оширилган ишлар самарасида 18,6 минг гектар суғориладиган экин майдонларининг мелиоратив кўрсаткичлари яхшиланди.

Кўргазмали семинар иштирокчилари “Аму-занг” II насос қурилмаси, Жарқўрғон туманидаги “Порлоқ тонг юлдузи” фермер хўжалиғи, Жарқўрғон сув тақсимлаш иншооти, Қумқўрғон туманидаги “Еш ғайратли сувчи” сувдан фойдаланувчилар уюмисидан ҳамда Жанубий Сурхон сув омборида бўлиб, уларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ва ўзаро тажриба алмашиди. Айниқса, Қумқўрғон туманидаги “Чорвадор” фермер хўжалиғида парвариш-

наётган интенсив боғда жорий этилган томчилатиб суғориш технологияси, Қизирки ва Шеробод туманларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар уларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ўтган йили олти гектар майдонда хориж тажрибаси асосида интенсив боғ барпо этилди, – дейди Қумқўрғон туманидаги “Чорвадор” фермер хўжалиғи раҳбари Раҳимиддин Шаропов. – Унга бир йўла томчилатиб суғориш технологиясини ҳам ўрнатдик. Жорий йилда мўл ҳосил олдик. Боғда 14,5 минг туп олма қўчати парваришланаётган. Қўчатларни хўжалиб суғориш учун уч нафар сувчи бир неча кун меҳнат қилса, янги икки ўрдамда бу ишни бир киши икки соатда бажармоқда. Зарур озқалар полиэтилен қувурлар орқали сув билан бирга юборилаётгани ҳам ишчи кучини тежаш имконини бераётган. Томчилатиб суғориш усули тежамкорлиги, қулай ва самарадорлиги юқориллиги билан бизга жуда манзур бўлди.

Кўргазмали семинарда ирригация-мелиорация тизимида ёрдамчи хўжалиқлар ташкил этиб, турли қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етиштириш, чорвачилик, балқичлик ва паррандачиликни йўлга қўйиб, аҳолига арзон, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳам атрофида таҳлил қилинди. Куз-қиш мавсумида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни сифатли бажариш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**  
Ўза мухбири.

# ХУНАРМАНДЧИЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚ БАДИИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САЊЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ ВА БУНИНГ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ, ИМКОНЯТЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНЛИГИ БОИС БУ БОРАДА ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА.

Юртимизнинг қайси туман ва қишлоқларига борманг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож топаётганининг гувоҳи бўласиз. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган эътиборнинг самарасидир.

Президентимизнинг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида уй шароитида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича "Хунарманд" уюшмаси аъзолари — яқка тартибдаги тадбиркорларга белгиланган қатъий солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш мuddати давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги Фармониغا асосан 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Шу ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур имтиёз Юртбошимизнинг 2005 йил 28 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган хунармандчиликнинг 25 та фаолият тури рўйхати асосида қўлланилади.

Шунингдек, 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон



Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни оилавий тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Президентимизнинг 2012 йил 6 сентябрдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъ-

атини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 2010 йил 30 мартдаги фармони-га қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Фармонида асосан давлатимиз раҳбари томонидан чиқарилган 2005 йил 28 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ, оилавий корхоналар халқ бадий хунармандчилиги ва қўлда ишланган амалий санъат буюмларини сотишдан олинадиган даромаддан 2014 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, инсон қўли мўъжиза яратишга қодир. Меҳнатга иштиёқманд халқимизнинг қўли билан бунёд этилаётган чиройли иморатлар, файзли маҳаллалар, обод шаҳар ва қишлоқлар қиёфасида уларнинг меҳнати самараси акс этади. Юртимизда хунарманду тадбиркорлар давлат ҳимоясида, элурт ҳурматида. Уларнинг бари бир мақсад сари — обод ва озод юртимизни янада фаровон этиш учун интилмоқда.

**Расулжон ЖУМАЕВ,**  
Наманган вилояти Поп тумани  
Давлат солиқ инспекцияси  
бошлигининг биринчи  
ўринбосари.

## ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



## ИЗЧИЛ ИШЛАР САМАРАСИ

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги доирасида Самарқанд вилоятида ҳам аҳолининг ҳушёрлигини ошириш, турар-жой ва иқтисодий тarmoқлари иншоотларида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Самарқанд вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан аҳоли яшаш жойлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотларда оммавий тарғибот-тушунтириш ишлари олиб бoриладир. Хусусан, вилоятнинг барча ёнгин хавфсизлиги қисмларида шахсий таркибининг жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида қўллаб маҳаллалар, шифохона, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ҳамда бошқа масканларда ёнгин ўчириш амалий тактик машқлари ва машғулотлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри ва туманлардаги оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар, маданият муассасалари, истироҳат боғлари ва умумий овқатланиш шохобчалари ҳолати ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги мунтазам мониторинг қилинаётир.

**СУРАТДА:** Самарқанд вилояти ИИБ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ёнгин ўчириш штаби тезкор гуруҳи бошлиғи Шокир Фозилов ва 3-ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми смена бошлиғи Асрор Фаниев.

**Алишер ИСРОИЛОВ**  
(ўЗА) олган сурат.

## БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ



## СОТИЛМАЙДИ ҲАМ, ОТИЛМАЙДИ ҲАМ

Дунё бўйлаб кўнгилочар ва бошқа маиший мақсадларда ишлатиладиган пиротехника буюмларидан фойдаланиш кўламининг ортганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса ўз ўрнида пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг ошишига ҳамда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигига жиддий хавф туғилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни эса пиротехника буюмлари муомаласи бўйича самарали давлат назорати ўрнатилишига, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, хусусан, уларнинг саломатликлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Эндиликда мазкур қонунга мувофиқ пиротехника буюмлари муомаласини лицензиялаш жорий этилди. Шунингдек, пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг кучайтирилиши бу борада божхона органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Олиб бoриладиган чора-тадбирлар самараси ўларoқ, республикамиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 2012 йилнинг ўтган 11 ойи давомида аниқланган пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари сони 60 тани ташкил қилди. Натихада 7 миң донага яқин пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида салкам 49 миң донани ташкил қилган эди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари томонидан "Довут ота" чегара божхона постада фуқаро Б.Атажоновнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйилди. Ушбу шахс "Wonderful-Night" номли 25 дона пиротехника воситаларини қўл сумкасига яширган ҳолда олиб ўтишга уринган экан.

"Бейнеу-Кўнғирот" йўналишидаги йўловчи поездида юртимизга кириб келган фуқаро Н.Хожаниязов ҳам қорақалпоғистонлик божхоначилар қарши-сида ер чишиб қолди. Чунки унга тегишли юклар божхона кўригидан ўтказилганда, божхона баённо-масида кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўроғи пайтида айтилмаган 3 турдаги 111 дона пиротехника воситаларини борлиғи аниқланди.

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг чегарадош ҳудудида "изғиб" юрган номаълум шахс божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кўриб қолган, қўшни давлат ҳудуди томон жуфтаникни ростлаб қолди. Қонунбузар шахснинг қолдириб кетишга мажбур бўлган юклари ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кеңилрилганда, у Хитойда ишлаб чиқарилган, жами оғирлиғи 10 кг.ни ташкил қилувчи "Фонтан" номли пиротехника воситаларини ҳуфиёна тарзда олиб киришга урингани аён бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

**Хусен ТАНГРИЕВ,**  
Давлат божхона қўмитаси  
Матбуот хизмати катта инспектори.

## ОГОҲЛИК ДОИМО ЗАРУР

Кундалик ҳаётимизни "зангори олов"-сиз, электр энергия-сиз тасаввур этишимиз қийин. Аммо улардан ҳамма жойда ҳам оқилона фойдаланиляпти, деб айтмаймиз.

Чунки барча тушунтириш ишларига қарамай, табиий газдан нотўғри фойдаланиш, оловни эътиборсиз қолдириш, носоз ускуналардан фойдаланиш оқибатида турли кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Шу боис, ёнгин содир бўлмаслигини олдини олуви омишлар ёш болаларни уйда қаровсиз қолдирмаслик, қўлбoла иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, ёниб турган газни назоратсиз қолдирмаслик, газ ўчоғи ёнида турли кийим-кечакларни қуритмаслик, бир вақтнинг ўзида бир нечта маиший асбоб-анжомларни розеткага улаб фойдаланмасликни яна бир бор таъкидлаш жоиз. Демак, кундалик турмушимизда, айниқса, ёнгин билан боғлиқ нохушликлардан сақланишда огоҳлик доимо зарур.

**Дилшод ЮСУФОВ,**  
Тошкент шаҳар  
12-ХЕХО 26-ХЕХК  
бошлиғи ўринбосари,  
капитан.

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТҚАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 6-5:

Лот-1. Андижон вилояти "Асака ташламаси"даги иншоотларни ва дамба қирғоқлари ва иншоотини реконструкция қилиш (2-босқич, ПК 0+00-ПК95+50).

Буортмачининг белгиланган бошлангич нархи 6 523 537 177 сўм; ишларнинг тугалланиш муддати 15 ой.

